Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 177 (2769). ЖУМА
1 АВГУСТ 1975 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Съезддан съездгача*

Ленинча социалистик революция плани

Марксизм асосчилари капиталистик тузумнинг вужудга келиш, тараққий топиш ва ҳалок бўлиш қонунларини очиб берган эдилар. Марксистлардан биринчи бўлиб, В. И. Ленин янги даврни чуқур анализ қилиб берди, Маркс ва Энгельснинг социалистик революция тўғрисидаги таълимотини ривожлантирди.

Империализм даврида барча зиддиятларнинг ниҳоят даражада кескинлашиб кетганлиги империализм капитализмнинг охирги босқичи эканлигини белгилайди. Империализм «улиб бораётган капитализмдир», — деб ёзган эди В. И. Ленин.

«Иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг нотекислиги, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — капитализмнинг шак-шубҳасиз қонунидир. Бундан шу келиб чиқадики, социализм дастлаб бир неча ёки ҳатто айрим олинган бир капиталистик мамлакатда ғалаба қозониши мумкин».

1914—1918 йиллардаги жаҳон империалистик уруши империализмнинг кескин зиддиятлари натижасида келиб чиққан эди. Халқ бошига солинган қулоқ эшитмаган ночорлик ва камбағаллик омманинг чор тузумига нисбатан норозилигини жуда ҳам кучайтириб юборди. Ленин ёзган эдики, бу уруш «революциянинг режиссёри» бўлди. Партия омма ҳаракатига раҳнамолик қилди ва 1917 йилнинг февралида исён кўтарган Петроград ишчиларига Петроград гарнизонининг солдатлари ҳам келиб қўшилдилар ва чор самодержавиесини ағдариб ташладилар.

Ҳали яқиндагина енгилмасдек бўлиб туюлган чоризм устидан тезлик ва осонлик билан ғалаба қозонилишининг боиси шундаки, Ленин партияси узоқ йиллар халқни революцияга тайёрлади, ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар большевиклар раҳбарлигида биринчи рус революциясининг машаққатли мактабини ўтдилар.

1917 йил 4 апрелда В. И. Ленин партия Марказий Комитети Петербург комитетининг аъзолари ҳамда ишчи ва солдат депутатлари Советлари Бутун Россия кенгашининг большевистик делегатлари йиғилишида «Ҳозирги революция да пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Докладнинг тезисларини 7 апрелда «Правда» газетаси эълон қилди. Бу — гениал Апрель тезислари бўлиб, уларда партиянинг буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтишига томон тутган йўли белгиланган эди.

Большевиклар партияси Апрель тезисларига амал қилиб, ишчилар, деҳқонлар, солдатлар ўртасида жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини қизитиб юбордилар.

Партиянинг бутун мамлакат миқёсида Ленин тезислари атрофига жипслашувини большевиклар партиясининг 1917 йил 24—29 апрелда Петроградда бўлиб ўтган VII (Апрель) Бутунроссия конференцияси тасдиқлади. Конференция резолюцияси социализмнинг алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча таълимотга асосланган эди. Апрель конференцияси урушга муносабат тўғрисида В. И. Ленин ёзган резолюцияни қабул қилди. Конференция В. И. Ленин бошлиқ партия Марказий Комитетини сайлади.

Июль кунлари мамлакатдаги вазиятни ва синфий кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Мамлакатда вазият ва кучлар нисбати ўзгариши билан партиянинг тактикаси ҳам, шиорлари ҳам ўзгариши керак эди. В. И. Ленин кўрсатиб ўтдики, 4 июлдан кейин Россиядаги сиёсий вазият 27 февралдан 4 июлгача бўлган даврдаги вазиятдан тубдан фарқ қилади. Революциянинг ўша даврда мумкин ва мақсадга энг мувофиқ бўлган тинч ривожланиш босқичи тамом бўлди. Эсерлар ва меньшевиклар ўз хоинликлари билан тинч ривожланиш йўлини бузадилар. Эндиликда, бутун ҳокимият контрреволюция қўлига ўтганидан кейин, ишчилар синфи ҳокимиятни фақат қуролли қўзғолон йўли билангина ўз қўлига олиши мумкин эди.

Шу билан бирга В. И. Ленин огоҳлантириб айтган эдики, ҳукуматга қарши дарҳол бош кўтариб чиқиш ҳато бўлур эди. Жуда кенг халқ оммаси орасида янги революцион юксалиш юзага келган тақдирдагина қатъий ҳужумга ўтиш мумкин.

В. И. Ленин «Бутун ҳокимият Советларга!» шиорини вақтинча кун тартибидан олишни таклиф қилди.

Ўзгарган вазиятга мувофиқ янги тактикани партиянинг VI съезди ишлаб чиқди. Съезд 1917 йил 26 июлдан 3 августгача Петроградда давом этди. Съезд ярим легал ҳолда ишлашга мажбур бўлди. У ленинча кўрсатмага мувофиқ «Бутун ҳокимият Советларга!» шиорини вақтинча кун тартибидан олди ва қуролли қўзғолон йўлини қабул қилди. Бу — зудлик билан ҳукуматга қарши қўзғолишга даъват эмас эди, у оммани уюштиришга, уни қуролли қўзғолонга тайёрлашга даъват эди.

Съезд партиянинг янги уставини қабул қилди, «Ишлар союзининг вазифалари ҳақида», «Касаба союз ҳаракатининг вазифалари». «Партия ва касаба союзлари» тўғрисида резолюциялар қабул қилди.

Шундай қилиб, партия VI съезди ҳокимиятнинг фақат қуролли қўзғолон йўли билан, буржуазия диктатурасини ағдариш йўли билангина пролетариат ва камбағал деҳқонлар қўлига ўтиши мумкинлигини кўрсатди. VI съезд ўзининг ҳамма қарорларини асосий мақсадга — пролетариат ва камбағал деҳқонларни қуролли қўзғолонга, социалистик революция ғалабасига тайёрлашга қаратди.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА — 25 ЗАРБДОР ДЕКАДА

Бугун РСДРПнинг VI съездига бағишланган олтинчи декада бошланди

Тошкент тошни қайта ишлаш комбинатининг коллективи зарбдор меҳнат декадаларини кўтаринкилик билан ўтказмоқда. Метрополитен, цирк ва аэропорт қурилишларига кўплаб мармар ва гранит пардозлаш плиталари етказиб бериляпти.

СУРАТДА: комбинатнинг пешкадам фрезерчиси Александр Новинов. У смена-ойлик топшириқларини 130 процент адо этаяпти.

• *Район партия комитетларининг пленуми*

Қурилиш суръатини ошириш

Ҳамза район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Тошкент шаҳрининг комплекс қурилиши ва ободонлаштириш савияси суръатлари ҳамда сифатини бундан буён янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари масаласи кўриб чиқилди.

Пленумда район партия комитетининг иккинчи секретари А. Воеков доклад қилди.

Пленумда беш йилликнинг фақат сўнгги тўрт йилида 32 янги корхона ишга туширилганлиги таъкидланди. Атир-упа фабрикаси, енгил металл конструкциялари заводи, «Ташсельмаш» заводининг кенг истеъмол маҳсулотлари цехи, «Ўзсельхозтехника» ремонт-механика заводининг корпуси шулар жумласидан.

Қатор янги турар жой бинолари, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. Районни ободонлаштириш бўйича ҳам катта ишлар бажарилди.

Аммо шу билан бирга докладчи ҳам, пленумда сўзга чиққан Тошкент биринчи уйсозлик комбинати партия комитетининг секретари Ш. Омонов, 3-қурилиш трести бошқарувчиси Л. Никман, санитария техника жиҳозлари заводининг токари Е. Ромашин ва бошқа ўртоқлар капитал қурилишидаги жиддий камчиликлар ҳақида, қурилишнинг суръати ва сифати ҳали ҳам шу кунининг талабига жавоб бермаётганлиги ҳақида гапирдилар. Объектлар вақтида фойдаланишга топширилмаяпти, ҳали ҳам қурилиш-монтаж ишларининг сифати яхши эмас, қурилиш конструкциялари ва материаллар, лойиҳа-смета ҳужжатлари вақтида етказиб берилмайди.

Район бўйича асосий фондлардан фойдаланиш плани мунтазам бажарилмаяпти. Айрим буюртмачилар (санитария-техника жиҳозлари, «Ташэлектромаш», «Ташсельмаш» заводлари, уйсозлик комбинати) капитал маблағларни тўғри планлаштиришмай қ и, маблағларнинг сочилиб кетишига йўл қўйишади, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминланмасликлари туфайли қурилиш муддатларини кечиктиришапти.

Мазкур масала юзасидан пленум қабул қилган қарорда районда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари суръатини тезлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, илғор иш усулларини жорий этиш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун таъсирчан мусобақани ташкил этиш юзасидан қурилишларнинг, қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари ва раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари олдидаги вазифалар аниқланди.

Комплекс қурилишга — муҳим эътибор

Ўзбекистон КП Собир Раҳимов район комитетининг бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1975 йил 14 февралидаги «Тошкент шаҳрининг комплекс қурилиши ва ободонлаштириш савияси суръатлари ҳамда сифатини бундан буён янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини ва Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети VII Пленумининг шу масала юзасидан қарорини бажариш бўйича район партия ташкилоти олдида турган вазифаларини муҳокама қилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов ана шу ҳақда доклад қилди. У район да қурилиш ишларининг бориши ҳақида, райондаги қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг ишидаги ютуқлар ва нуқсонлар ҳақида ва капитал қурилиши истиқболлари тўғрисида сўзлади. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ҳам партия ташкилотларининг районда комплекс қурилиш ва ободонлаштиришнинг сифат даражасини ошириш учун кураш борасида ҳал қилиши лозим бўлган проблемалари тўғрисида гапирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Умумевропа кенгашида

30 июль куни танаффусдан кейин «Финляндия» саройида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг биринчи иш мажлиси бўлди.

Мажлисда Буюк Британия бош министри Гарольд Вильсон, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Тодор Живков, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эрих Хонеккер, ГФР канцлери Гельмут Шмидт, Греция бош министри К. Караманлис, Исландия бош министри Г. Хатлгриммсон, Канада бош министри П. Э. Трюдо, Италия Министрлар кенгашининг раиси А. Моро, Швейцария конфедерациясининг президенти П. Грабер сўзга чиқдилар.

31 июль куни кенгаш ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлис Югославия Социалистик Федератив Республикаси делегациясининг бошлиғи, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси, ЮСФР Президенти И. Броз Тито раислигида очилди.

Мажлисда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак, Польша Бирлаштан Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герек, Франция Республикасининг Президенти Валери Жискар д' Эстэн, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Ирландия Бош министри Л. Косгрейв ва Кипр Республикасининг президенти архиепископ Макариос сўзга чиқдилар.

Шу билан эрталабки мажлис тамом бўлди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ раис!

Кенгашнинг ҳурматли қатнашчилари!

Биз ҳаммамиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи босқичида қатнашаётган, эканмиз, бу воқеанинг одатдан ташқари характерга эга эканлигини, унинг сиёсий миқёси каттал игини сезиб турибмиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, бугун кенгашда қатнашаётган барча мамлакатлардаги, ҳаттоки бошқа мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар ҳам ҳис қилмоқдалар. Улар шу кунларда Финляндия пойтахтида бўлаётган воқеаларнинг маъзини биз билан бирга чақмоқдалар.

Шу залда ўтирган олий сиёсий ва давлат раҳбарларининг кенгашга бўлаётган бундай муносабатнинг боиси нима?

Бунинг жавоби шундан иборат бўлса керакки, урушдан кейинги даврда иттифоқчилар биргаликда қабул қилган маълум қарорлардан сўнг ўтган вақт ичида коллектив бўлиб қилинган бошқа ҳеч бир ишдан шу қадар катта нарсалар ва умидлар кутилмаган эди, мана шу кутилган нарсалар ва умидлар эса кенгаш натижалари билан боғлиқдир.

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бошидан кечирган авлодга мансуб бўлган кишиларга бу кенгашнинг тарихий моҳияти айниқса яқкол кўриниб турибди. Кенгашнинг мақсадлари тинчлик шароитида ўсиб етилган ва яшаб турган, аҳвол бундан бошқача бўлмаслиги ҳам лозим деб ҳақли равишда ҳисоблаётган европаликларга мансуб авлоднинг ақл-идрокига ва қалбига яқиндир.

Ҳар иккала жаҳон уруши йилларида Европа ерларида жуда кўп қон тўкилди. Европадаги 33 давлатнинг, АҚШ ва Канаданинг олий сиёсий ва давлат раҳбарлари Европани бундан буён ҳарбий қарама-қаршиликларга айлантиришга биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб кўмаклашмоқ учун Хельсинкида тўпланишди. Европанинг барча халқларига тинч яшаш ҳуқуқи таъминланиши лозим. Ўз-ўзидан маълумки, биз планетамиздаги бошқа барча халқларга ҳам шундай ҳуқуқ таъминланишига тарафдормиз.

Кўпгина ва ёрқин миллий маданиятлар маскани бўлган, жаҳон цивилизациясининг чўққиларидан бири бўлган Европа мустаҳкам тинчлик асосида давлатлараро муносабатлар қурилишининг яхши намунасини кўрсатишга қодир.

Совет Иттифоқи кенгаш натижаларини фақат иккинчи жаҳон урушига зарур сиёсий якун ясашдан иборат деб ҳисоблаётгани йўқ. Бу натижалар шу билан бирга ҳозирги кунниинг реалликларига ва Европа халқларининг кўп асрлик тажрибасига тадбиқан келажакнинг қандай бўлишини кераклигини ҳам ўйлаб кўришдир.

Бу ерда, Европада агрессорлар неча марталаб пучак «шуҳрат гулини» таққанлар, сўнгра эса халқларнинг лаънатига учраганлар. Бу ерда, Европада жаҳонга ҳукмрон бўлиш даъвоси сиёсий доктрина даражасига кўтарилган, бунинг оқибатида давлатлар ҳалок бўлдилар, уларнинг ресурслари жирқий одамхўрлик мақсадларига хизмат қилди.

Мана энди тарих тажрибасидан муқаррар коллектив хулосалар чиқариш пайти келди. Биз ҳам бу ерда тинчлик шароитида яшаш ва ривожланиш лозим бўлган Европа қитъасининг келажаги учун зиммамиздаги масъулиятни тўла англаган ҳолда мана шу хулосаларни чиқарамиз.

Кенгашнинг натижалари барча қатнашувчи давлатларнинг манфаатларини синчиклаб ўлчаб бир мезонга келтиришдан иборат бўлишини бирор кимса инкор қилмаса керак. Шу сабабли бу ишни айниқса эҳтиётлик билан қилиш зарур.

Умумевропа кенгашини чақириш керак, деган фикрни ўртага ташлашдан то шу кенгашнинг чўққисига — уни юксак даражада тугаллашга олиб келишдан иборат бўлган ва сира ҳам осон бўлмаган йўл орқада қолиб кетди. Совет Иттифоқи кенгашдан сўнг ҳарбий юмшатиш янада ривож топишига изчил тарафдордир. Шу жиҳатдан қараганда Марказий Европада ҳеч бир давлатнинг хавфсизлигига зарар етказмасдан, аксинча ҳамма учун фойда келтирадиган принциплар қатнашувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларга бақувват негиз қилиб олинди. Булар тинч-тотув яшаш принципларидирки, бу принциплар учун Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин шу қадар зўр эътиқод ва изчиллик билан курашган эди. Ҳозирги кунда бизнинг халқимиз ҳам шу принциплар учун курашмоқда.

Кенгаш савдо-иқтисодий, фан ва техника, атроф муҳитни сақлаш, маданият, маориф, одамлар, муассасалар, ташкилотларнинг бир-бирлари билан алоқа қилишлари соҳасида ҳам бўладиган ҳамкорликнинг йўналишини ва конкрет формаларини белгилаб берди.

Ҳамкорлик қилиш имкониятлари эндиликда «совуқ уруш» йилларида бўлиши мумкин бўлмаган соҳаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик манфаатларини кўзлаб ахборотларни кенгроқ равишда айирбошлаш шу соҳаларнинг биридир.

Шу нарса сир эмаски, ахборот воситалари тинчлик ва ишонч мақсадларига хизмат қилиши мумкин, аммо мамлакатлар ва халқлар ўртасида адоват заҳарини жаҳон бўйлаб ёйиши ҳам мумкин. Кенгаш якунлари мана шу соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш учун тўғри йўлни кўрсатиб турувчи нишон бўлади деган умиддамиз.

Кенгаш сиёсий юмшатишни ҳарбий юмшатиш билан тўлдирадиган бир қанча муҳим аҳдномалар қабул қилди. Бу ҳам давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва сиёсий ҳаётни соғломлаштиришга қаратилган ҳужжатлардир. Бу аҳдномалар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ва одилона принципларини белгилаб олишнинг ўзи жуда муҳим. Шу принципларни ҳозирги халқаро муносабатларда илдиз оттириш, практикага жорий қилиш ва халқаро ҳаётнинг қонунига айлантиришнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Буидай қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бизнинг тинчликсевар сиёсатимиз мана шунга қаратилган. Биз буни ушбу юксак минбарда туриб яна бир бор айтмоқдамиз.

Албатта, Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канада раҳбар арбоблари учрашувининг ўзи — тарихда мисли бўлмаган бу учрашув — кескинликни юмшатиш, Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш жараёнидаги асосий босқич бўлиб қолиши лозим. Бунга шак-шубҳа йўқ албатта.

Лекин халқларнинг шу учрашув билан, кенгаш қарорлари билан боғланган умидлари тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун, биринчи ёмғир ёғиши биланоқ ниҳоб, бўкиб қолмаслик учун ҳаммамиз янада зўр бериб ҳаракат қилишимиз лозим, барча қатнашувчи давлатлар кескинликни юмшатишни янада кучайтира боришлари лозим.

Кенгашнинг муваффақиятли бўлишига имкон берган нарса фақат шуки, унинг қатнашчилари ҳар доим бир-бирларига пешвоз чиқиб, қийинчиликларни, кўпинча катта-катта қийинчиликларни енгиб муҳокама қилинган ҳар бир масала бўйича оқибат натижада ҳаммага мақбул бўладиган аҳднома ишлаб чиқа олдилар. Бу аҳдномалар кенгаш қатнашчиларидан бирининг ўз қарашларини бошқаларга зўрлаб қабул қилдириш йўли билан эмас, балки ҳамманинг фикрини ва манфаатларини ҳисобга олиш асосида ва ҳамманинг розилиги асосида вужудга келди ва қўлга киритилди.

Башарти бунда ён беришлар бўлса ҳам, лекин булар асосланган ён беришлардир, идеология ва ижтимоий системалардаги тафовутларни йўқотмасдан тинчлик фойдасига олиб борадиган ён беришлардир. Аниқроқ қилиб айтганда, булар қатнашувчи давлатлар мустақил сиёсий иродасининг турли социал тузумдаги давлатлар мавжуд бўлиб турган ҳозирги кундаги шароитда ифодаланган мумкин бўлган тарадаги ифодасидир.

Кенгашнинг иш тажрибасидан келажак учун ҳам муҳим хулосалар келиб чиқади. Бу хулосаларнинг энг муҳими ва якунловчи ҳужжатда ҳам ифодалаб ўтилгани шуки, ҳеч кам у ёки бу хил ташқи сиёсий характердаги мулоҳазаларга таянib бошқа халқлар ўзларининг ички ишларини қай тарзда қуришлари лозимлигини шу халқларга буюриб туришга уринмаслиги лозим. Ҳар бир давлатнинг халқи, фақат шу халқнинг ўзи-ўзининг ички ишларини ҳал қилишдан, ўзининг ички қонунларини белгилаб олишдан иборат суверен ҳуқуққа эга. Бунга бошқача ёндошиш халқаро ҳамкорлик ишн учун пуч ва хатарли заминдир.

Биз имзолайдиган ҳужжат давлатларнинг бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама тартибда бўлдан буёнги йиллар, эҳтимолки ўн йиллар давомида қиладиган ишларининг кенг, лекин аниқ платформасидир. Лекин эришилган натижа охирги чегара эмас. Бугун бу натижа эришиш мумкин бўлган натижаларнинг энг кўпидир, эртага эса бу натижа кенгаш очиб берган йўлда олга боришни давом эттиришдан иборат бўлиши лозим.

Ҳар бир ишни бошлашда ва қилишда давомийликка интилиш инсониятга хос хусусиятдир. Бу хусусият хозирги пайтда вакиллари Хельсинкида қатнашаётган 35 давлат томонидан қилинаётган буюк ишга ҳам тааллуқлидир. Бу хусусият шу нарсада ҳам ўз ифодасини топдики, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган биринчи кенгашдан сўнг унинг вазифаларини амалга оширмоқ ва ривожлантирмоқ учун қилинадиган ишлар мўлжаллаб қўйилди.

Ўзининг ғоят обрўлилиги жиҳатидан одатдан ташқари бўлган мана шу йиғилишда биз Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг, ленинча тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик сиёсатининг ажралмас белгиларидан бирини, бу сиёсатнинг инсонпарварлигини зўр куч билан уқтириб ўтмоқчимиз. Партиямиз XXIV съезднинг қарорлари Тинчлик программаси инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган Умумевропа кенгашини чақириш шу Тинчлик программасининг моддаларидан бири эди.

Биз чуқур мамнуният билан шуни қайд қиламизки, Европада тинчликни мустаҳкамлашнинг бош проблемалари бўйича кенгашда ишлаб чиқилган қоидалар халқларнинг манфаатларига хизмат қилади, халқларнинг машғулот турлари, миллатлари, ёшларидан қатъий назар уларнинг: ишчиларнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг, зиёлиларг аҳлининг, ҳар бир айрим кишининг ва жамики кишиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Бу қоидалар инсоннга ҳурмат руҳи билан, инсон тинчлик шароитида яшаши ва эртаги кунга ишонч назари билан қараши тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилган.

Биз тузган аҳдномалар халқларнинг «катта сиёсат»га ўтказаётган таъсирини кучайтириш имкониятларини кенгайтиради, шу билан бир вақтда бу аҳдномалар турмуш-тиришчилик проблемаларига ҳам даҳлдордир. Бу қоидалар одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга, уларни иш билан таъминлашга, илм олиш шароитини яхшилашга кўмаклаша беради. Бу аҳдномалар сиҳат-саломатлик тўғрисидаги ғамхўрлик билан боғлиқдир, хуллас айрим кишиларга, оилага, ёшларга, жамиятнинг турли группаларига тааллуқли кўп нарсалар билан боғлиқдир.

Шу минбарда сўзга чиққан бошқа кўп кишилар каби биз ҳам Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашини шу кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси қўлга киритган муштарак ютуқ, деб ҳисоблаймиз. Кенгаш якунлари Европа доирасидан ташқарида ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Узоқ давом этган кузокаларнинг натижалари шундай бўлдики, голиблар ҳам, маглублар ҳам, бирор нимани орттирганлар ҳам, бой берганлар ҳам йўқ. Бу — ақл-идрок ғалабасидир. Ҳаммага: шарқ ва ғарб мамлакатлари, социалистик ва капиталистик давлатларнинг халқлари — иттифоқларнинг қатнашчилари ва бетараф, катта ва кичик давлатларнинг қатнашчилари ютиб чиқди. Бу ҳаммаларнинг, планетамизда тинчлик ва хавфсизликни қадрловчи ҳар бир кишининг ютугидир.

Биз аминмизки, бу ерда биз келишиб олган қарорларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши, фақат Европа халқларининггина турмушига хайрли таъсир ўтказибгина қолмай, шу билан бирга ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳам қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолади.

Чамаси бу ердагиларнинг кўпларига маъқул бўладиган яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Кенгаш қатнашувчи давлатлар учун халқаро сиёсатнинг фойдали мактаби бўлди, айниқса ақл бовар қилмас даражадаги вайронгарчилик ва қирғин воситалари мавжуд бўлиб турган ҳозирги кунда фойдали мактабдир.

Кенгашда қатнашган 35 давлат раҳбарларининг бу учрашуви берган қудратли туртки Европадаги ва унинг хорижидаги кишиларнинг ҳаммасининг тинчликда яшашларига ёрдам беришга лозим.

Пировардида, мен учинчи босқич ишини ақло даражада ташкил этганликлари учун, ғоят шоду-хуррамлик билан кўрсатган меҳмондўстликлари учун Финляндия халқига ва ҳукуматига, шахсан Президент У. Кекконенга чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар).

Тонгги газеталарда

✦ 31 июль куни «Финляндия» саройида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар ўртасида учрашув бўлди. Самимий вазиятда ўтган суҳбатда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга тааллуқли масалалар диққат марказида бўлди.

✦ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 31 июлда Хельсинкида ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Г. Гусак билан суҳбатлашди.

✦ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 31 июль куни БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Т. Живков билан дўстона суҳбат қилди.

✦ Ўртоқ Л. И. Брежнев 31 июлда Хельсинкида Канада бош министри Пьер Эллиот Трюдо билан суҳбатлашди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРИ БАМ ҚУРИЛИШИДА

«БИЗ БУ УЛКАНИНГ ҒОЯТ БОЙ РЕСУРСЛАРИГА, УНИНГ УЛКАН ТАБИИЙ ХАЗИНАЛАРИГА ЙЎЛ ОЧИБ, БУТУН ШУ ЗОНАНИ ХЎЖАЛИК ЖИҲАТИДАН УЗЛАШТИРИШГА КИРИШАЯПМИЗ. ЙИЛЛАР ЎТИБ, СИБИРНИНГ ШИМОЛИЙ-ШАРҚИЙ РАЙОНЛАРИДА ЯНГИ ЙИРИК МАДАНИЯТ ВА САНОАТ МАРКАЗЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев БАМнинг аҳамияти ҳақида ана шундай деган эди.

Махсус мухбиримиз Байкал — Амур магистралининг республикамиз вакиллари меҳнат қилаётган участкаларида бўлиб, уларнинг меҳнат-жасоратлари, орзу-ниятлари билан танишди.

Электровоз ўрмонининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган пўлат излар бўйлаб елиб бормоқда. Йўл бўйида арча, қарағай, қайин ва бошқа дарахтлар аскарлардай саф тортган. Ҳаммаёқ ҳатто осмон ҳам кўм-кўк. Кўз яшнайди. Биз — купеда кетаётган уч йигит ва бир қария бу манзарани томоша қилиб, узоқимизча ҳаёл суриб кетяпмиз. Ҳамроҳларимдан бири 30 ёшларда. Озғин, жингалак сочлари қошлари устида тўлқин урган йигит. Унинг исми Николай, мурмансклик. Байкал—Амур магистрали қурилишига кетяпти. Айтишича, у беш-олти ҳунарни биларкан. Монтажчи, пайвандчи, слесарь... Иккинчиси 25 ёшга кирган, тўла гавдали йигит. Исми Вячеслав. Красноярскдан. Усть-Кутга кетяпти. Славик проводник бўлиб ишлаб, чарчабди. Лена дарёси бўйидаги қишлоққа, бувиникига бориб, бир балиқчилик қилмоқчи. Учинчи ҳамроҳим 70 ёшларга борган соч-соқоли ғордек оппоқ. Нурсиз кўзлари ич-ичига кирган, юзи шафтоли қоқиндек ажинли братсклик чол.

Биз уч кундирки, «Москва—Лена» поездида тайга бўйлаб кетяпмиз. Жуда кўп ўрмонлар, дарё ва кўлларни босиб ўтдик. Аммо ҳануз манзилимизга етганимизча йўқ. Борган сари Сибирь ўрмонларининг ичига кириб боряпмиз. Тайгада ҳаво тез-тез ўзгариб турар экан. Ҳозиргина қуёш чарақлаб турган эди. Бирдан ҳаво айниб қолди. Проводник аёл чой олиб кирди. Ҳаёл бўлинди.

— Мен икки стакан чой ичаман, Валя, эсингдан чиқмасин, — деди Николай проводникка илжайиб.

Проводник стол устига чой қўйиб, икки чақмоқдан қанд ташлар экан, жилмайди:

— Нега бунча чойхўрсан. Ўтган сафар вагонимни тўлдириб Ўрта осиёликлар БАМга кетишган эди. Улар ҳам жуда чойхўр эдилар. Ташиб улгурмадим. Чой ичишда улардан қолишмайсан.

— Мени ҳам Ўрта осиёлик десанг бўлаверади,— деди Николай, — Чунки Тошкентда яшаганман. Зилзиладан кейин.

— Менга қара, Коля, сен Мурманскдан келяпман, деганингку?— деди Славик дўрдоқ лабларини чўчайтириб, стаканга яқинлаштирар экан.

— Тўғри, ҳозир Мурманскдан келаяпман. Ўша ерда туғилганман. Аммо Тошкентда зилзила бўлганида комсомол йўлланмаси билан бориб, тошкентликларга уй қуриб берганман. Яна комсомол йўлланмаси билан БАМга кетяпман. Ишлагани.

Николайнинг жавобидан негадир Славикнинг юзи буришди. Сўнг менсимайгина унга бошдан-оёқ тикилди.

— Тавба, аломат экансан-у,— деди Славик. — Уйингдан безганмисан? Тошкентдаку ишлаб келибсан. Энди БАМга боришинг ким қўйибди. Менга ўхшаб, тузуккина иш топиб, айш қилиб юравермайсанми?

Славикнинг гапидан Николайнинг жаҳли чиқди.

— Сени қара-ю, БАМдай қурилиш турар экан-у, мен билагимда кучим бўла туриб, четда турар эканманми? Оббо, сенэй?! Биласанми, менинг отам ДнепроГЭСни қурган. Акам Братск ГЭСи қурилишида ишлаган. Мен уларнинг йўлини тутдим. БАМ зўр қурилиш. Э, сен унинг аҳамиятини тушунармидинг?!

Славик Николайнинг куйиб-пишиб айтган сўзларини истеҳзо билан тинглаб ўтирарди. Кейин:

— Менга нима, БАМнинг аҳамиятини сенга ўхшаган романтиклар била қолсин,— деди қўл силтаб.

Анчадан бери уларнинг тортишувини жилмайиб тинглаб ўтирган қария БАМнинг аҳамияти ҳақида гап бошлангач, жонланиб кетди.

— Николай тўғри айтади. — деди чол. БАМ Сибирда яшаётганлар учунгина эмас, мамлакатимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мен магистраль қурилаётган Бирюсинка қишлоғида яшайман. Яқинда қишлоғимизга америкалик, англиялик ва аллақандай мамлакатдан озгин-озгин, серғам журналистлар келишди. Қишлоғимиздаги одамлардан ҳар хил нарсаларни сўраб-суриштиришди. Ўша журналистлардан бири мендан БАМнинг аҳамиятини қандай тушунишимни сўради. Мен магистраль Сибирга маданият, илм-фан, бахт келтиради, коммунизмни яқинлаштиради, деб жавоб бердим. У тинчимагур мухбир «Сизнинг қандай орзуингиз бор, деб яна сўради. Мен битта-ю битта орзуим бор, у ҳам бўлса, БАМда ишлаш, дедим. Жавобимдан у ажабланди. «Сиз қари чол-а?» деб қайта сўради. Кейин, бирпас ўйлаб туриб, ёнидаги шеригига «Прупаганда» деди.

Биз чолнинг чет эллик ўша журналист ҳолатларини кўрсатиб айтган гапларидан қотиб-қотиб кулдик. Славик эса кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билмай, дам оқариб, дам бўзариб ўтирарди. Бир оздан сўнг чол жиддийлашди.

— Рост, кулманглар,— деди у. — Сизларга қари чол ёлғон гапирармиди н. Мени ўгилгинам Андрейнинг руҳини шод қилиш учун ҳам БАМда ишлашим керак. Ўғлим,— чол кўнгли тўлиб, бир зум жим қолди. — Абакан—Тайшет темир йўлини қурган минглаб мардларнинг бири эди. Қурилишда довюраклиги билан ном чиқарганди. Раҳматлик бошқа очиқ кетди. Уйлантириб қўяй десам; «Вой, дада-эй, шундай қурилишни битирмай туриб уйланиб бўладими?» деб кўнмади. Унинг нияти Сибирни темир йўл билан чулғаб ташлаш эди. Аммо у Тайшет яқинида, тунги сменада ишлаётиб, ҳалокатга учради. Мен энди янгарпорамнинг, қадимдан Сибирга темир йўл ўтказишни орзу қилган авлодларимизнинг ниятини амалга ошириш учун, кекса бўлсам ҳам қурилишга озми-кўпми ҳисса қўшгим бор.

Чолнинг юзига қайғу кўланка солди. Ҳаммамиз унинг ҳикояси таъсирида жим қолдик. Шу пайт, Москва радиоси БАМ қурувчиларига бағишланган эшиттиришини бошлади. Радионинг вужудларга ором бахш этувчи куйлари ҳаммани оҳанграбодай ўзига тортди. Эшиттиришда эстрада артисти Анда Ведишева айтган гаплар вужудимизни титратиб юборди:

— Байкал—Амур магистралини қураётган азамат комсомоллар,— деди у жаранглар овоз билан. —Сиз олов қалбли ёшларга менинг ҳавасим келади. Биз, санъаткорлар доимо сиз билан биргамиз. Санъатимиз билан сизларни хушнуд қилишни, машаққатли, лекин шарафли ишингизда мададкор бўлишни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

...Сибирь ўлкасига темир йўл ўтказиш гояси чор Россияси замонасидан бошланган. 1888 йилда Москвада Шимолий Сибирдан Тинч океанига қадар йўл қуриш масаласи кўтарилган. Аммо илм-фаннинг орқадалиги, ҳукумат бу ғояни қўллаб-қувватламага ни ки, Сибирь иқлимининг аёвсиз қаҳри туфайли бўлажак йўлнинг лойиҳасини ярата олмаганлар. Зулмат ҳукмрон бўлган мамлакатда бундай маърифий аҳамиятга молик ишларни амалга ошириш мумкин эмас, чор ҳукумати етарли маблағ ажратмаган эди.

Кейинчалик ҳам Сибрни «жиловлаш» масаласи бир неча маротаба кўтарилди. Бироқ, режалар режалигича қолиб кетди.

Россияда Советлар ҳокимияти ғалаба қозонган, граждалар уруши авж олган бир пайт — 1921 йил май ойида В. И. Ленин Шарқий Сибирни ўзлаштириш ҳақидаги Декретни имзолади. 1930 йилда шу масала билан шуғулланувчи «Ангарстрой» трести тузилди. Ангарадан Лена дарёсигача темир йўл лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди. 1951 йилга келиб, Усть-Кут шаҳарчасигача бўлган масофада темир йўл қурилиши тугалланди. 1968 йилда Братск шаҳрида лойиҳачилар, олимлар, темир йўлчилар иштирокида катта йиғин бўлди. Унда Шарқий Сибирь темир йўлининг истиқболи ишлаб чиқилди. БАМни қуришга тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди.

БАМ — биринчи категорияли Байкал—Амур магистрали Иркутск, Бурятия, Чита, Амур областлари, Хабаровск ўлкаси территорияларини бир-бирига боғлаши керак. 3200 километрли магистрални аввал тепловоз, кейин электровозлар ҳаракати йўлга қўйилади.

БАМ — кўҳна Сибирь кўп асрларди бери биз учун бағрида асраб келаётган бойликларинг кўзини очувчи калитдир. Усть-Кутда янги тошкўмир, нефть, нодир металлар, темир рудаси конлари топилган. Байкал яқинидаги Поминка қишлоғида мис кони бор. Бурятиядаги асбест конлари ҳали ишлатилмаган. Бу ерларда бир йилда 10 миллион тонна кўмир қазиб олиш мумкин. Жанубий Якутияда эса Сибирь, Узоқ Шарқни бемалол таъминлаб, ҳатто чет элга ҳам экспорт қилиш мумкин бўлган кўмир запаслари бор. Темирйўл ўрмонлардан фойдаланишни қанчалар яхшилаши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Сибирь дарёларини айтмайсизми? Тўлқин уриб оқиб турган ўнлаб дарёлардан фақат биттаси — Зея багрида электростанция қурилса, 1,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини олиш мумкин. Магистраль ишга тушгач, бу бойликлардан самарали фойдаланиш истиқболлари очилади. Булар сиз билан бизга, коммунизм қурилишига хизмат қилади.

Қаттиқ силкинишдан хаёлим бўлинди. Поезд қаршидан келаётган тепловозга йўл бериш учун қалқиб тўхтади. Ҳамроҳларимга тикилдим. Чол бир ойнаси дарз кетган кўзойнагини қадоқлари қават-қават бўлиб кетган бармоқлари билан бурни устига ноқиб-ноқиб, «Правда» ўқияпти. Славик иккинчи полкага бағрини бериб, ўйланиб ётибди. Николай поезд тўхташи билан ойнадан ташқарига бирров қаради-да, шошиб чиқиб кетди.

Вагонимиз ёнидан шовқин солиб, ўттизга яқин юк ортилган вагонларни тортиб тепловоз ўтди. Ярми очиқ вагонларда турли-хил қурилиш материаллари, трактор, экскаватор, ян-янги «КрАЗ» ва «МАЗ», расмини техника журналларидагина кўрганим чиройли, қудратли автомашиналар, кўтарма кранлар кўзга чалинди. Вагонларнинг кўпида қизил матога ёзилган шиорлар бор: Уларнинг баъзиларини ўқишга улгурдим: «Воронеж кўприксозлик заводи ишчиларидан БАМ қурувчиларига алангали салом», «Ўзбекистон деҳқонларидан БАМ қурувчиларига», «Бу материаллар БАМ учун муддатидан илгари тайёрланди».

Вагонларда мамлакатимиздаги барча республикалар томонидан тайёрланган юкларни кўриш мумкин. Аввал ҳам йўлда ана шундай юк составларини кўрган эдим. Булар менга Тошкент зилзиласидан кейинги йилларни аслатди. Ўшанда ҳам республикамиз пойтахтига турли бинокорлик материаллари ортилган кўплаб махсус эшелонлар келган эди. Тошкентни қайта қуришда бутун мамлакат иштирок этди. БАМ қурилишида ҳам мамлакатимиз халқларининг биродарлик туйғуси яна бир маротаба намоён бўлаяпти. Ишчилар, инженер-техниклар, деҳқонлар, зиёлилар — ҳамма БАМ қурилишига ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшишга ошиқмоқда.

Абдуқодир НИЁЗОВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) БАМ ана шундай Сибирнинг асрий ўрмонлари бағрида қурилмоқда.

(Пастда) ҳозирча Сибирнинг асосий транспорт воситаларидан бири вертолёт ҳисобланади. У қурувчиларнинг беминнат дастёридир. Вертолётларда магистралнинг олис ва қуюқ ўрмонлар билан қопланган трассаларига қурувчилар ҳамда бинокорлик материаллари ташилмоқда.

Автор фотолари.

(Давоми бор).

«Ташхимсельмаш» заводининг машинасозлари мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларига «ОВҲ-14» маркали пуркагич-чанглагич агрегатлари кўплаб тайёрлаб жўнатмоқдалар.

СУРАТДА: заводнинг зарбдор ишчиси Константин Понкратов янги агрегатларни жўнатиш учун ҳозирламоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

• Редакцияга хат

Раҳмат, уста!

Газ ўчоққа чойнакни қўйиб, бурандасини бурайман деб шунча уринаман, қани бурэлса: қотиб қопти. Бор кучим билан бураган эдим, пластмассадан ясалган дастаси «шиқ» этиб синиб кетди ва вишиллаб газ чиқа бошлади. Газхонанинг ром ва эшиклари очиқ бўлиб, вентилятори яхши ишламаса ҳам, бирпасда ҳамма ёқни газ ҳиди босиб кетди. Югуриб чиқиб Муқимий кўчасидаги автомат телефондан Чилонзор район газлаштириш идораси авария бўлимига қўнғироқ қилиб, воқеани тушунтирдим. «Газхона ва ҳовлига ҳеч ким яқинлашмасин!» деган овоз келди трубкадан...

Зум ўтмай, велосипедда ўрта бўйли оқсариқдан келган бир йигитча келди. Уз ишига моҳир экан, бирпасда янги буранда қўйди, газ чиқиши тўхтаб, ошхонани босиб кетган ҳиди ҳам тарқалди.

«Газ билан ҳамиша эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Бу кўринмас бало эҳтиётсизликни ёқтирмайди», деди.

Бизнинг миннатдорчилик сўзларимизга эса: «Арзимайди, хизматимиз шу», — деб камтарона жавоб қайтариб, чиқиб кетди.

Чархкамолон маҳалласидаги аҳолини ҳар ойда икки марта газ приборлари билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш тўғрисида огоҳлантириб, камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиб кетадиган бу фидойи йигит юқорида номи кўрсатилган идоранинг профилактика мастери Алик Сальдмандир. Биз унга чин қалбимиздан раҳмат, уста, деймиз.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ.

• *КПСС XXV съездини муносиб кутиб оламиз*

Резервларни ишга солиб

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли кўнгалантерея фабрикаси меҳнат аҳли шу кунларда партиямизнинг навбатдаги XXV съездини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб, ишламоқда. Корхонада ички резервларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, ишчи вақтидан унумли фойдаланишга, иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтиришга айниқса муҳим эътибор берилмоқда.

Бу ерда шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиб, календардан ўзган ҳолда ишлаётган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулардан бири А. Ф. Пузанковадир. Меҳнатда пешқадам бу аёлнинг шахсий беш йиллик топшириғини бажарганига анча бўлди.

— КПСС Марказий Комитети апрель (1975 йил) Пленумининг партиямиз XXV съездини чақириш тўғрисидаги қарори бизларни ҳам беиҳтиёр руҳлантириб юборди, — дейди ветеран ишчи. — Ҳар биримиз ўз ички имкониятларимизни чамалаб чиқиб, зиммамизга олинган янги мажбуриятлар олдик. Шу кунларда ана шу мажбуриятларни бажариш йўлида бутун имкониятларни ишга солиб меҳнат қилмоқдамиз. Айниқса, съезд шарафига ўтказилаётган зарбдор ўн кунликларда иш суръати жуда юқори бўляпти. Ўзимнинг кунлик иш кўрсаткичларим ҳам чакки эмас.

Ҳа, биргина А. Ф. Пузанкова эмас, корхонанинг ўнлаб ишчилари ошириган мажбуриятларни муваффақиятли ado этиш учун фидокорлик билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ғайратинтилиши туфайли смена топшириқлари анча ортиғи билан адо этилаётир. Шу кунгача фабриканинг 120 дан зиёд ишчиси, беш йиллик планни адо этиб қўйганлигининг ўзи бу ерда социалистик мусобақа намуналари йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, корхонада тўққизинчи беш йиллик белгиловчи йили топшириқларини ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, партия съездига катта тўёналар тайёрлаш юзасидан бошланган беллашув кун сайин қизғин тус олмоқда. Ишчилар бутун имкониятларни ишлаб чиқаришга даднллик билан жорий этиб, маҳсулот турларининг янада кўпайишига ҳаракат қилмоқдалар.

Корхона коллективи йиллик планни 25 декабрда бажаришга бел боғлаган. 7 миллион сўмликдан зиёд ҳар хил истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ишчиларининг бу йилги эзгу ниятидир.

КОНТЕЙНЕРЛАРДА ОВҚАТ

МИНСК. Минскдаги холодильниклар заводи Байкал—Амур магистрали қурувчиларига термо контейнерларнинг дастлабки туркумини жўнатди. Ана шу контейнерлар ёрдамида ўз базаларидан ўнлаб километр узоқда ишлаётган қурувчилар ва геологларга иссиқ овқат етказиб бериш мумкин.

Контейнерларда белгиланган температура беш соат давомида сақланади. Бу контейнерлар йўллардаги шарақ-шуруқларда ҳам шикастланмайди ва овқат ҳамда ярим фабрикатлар етказиб бериш учун ҳам қулайдир.

ЗАВОДДА УЛКАН БАТАРЕЯ

ДОНЕЦК. СССР 50 йиллиги номли Авдеев кокс-химия заводида бир йилда бир миллион тонна кокс ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, мамлакатда энг йирик кокс батарея деворига ғишт териб бўлинди. Нормада белгиланган ярим йил ўрнига беш ой мобайнида улкан батарея деворига ғоят пишиқ ва ўта чидамли 21 минг тонна ғишт териб чиқилди.

Батареядаги 65 печнинг ҳар бири ҳажми жиҳатидан ишлаб турган печлардан чорак баравар катталар. Бу эса совет кокс-химиясида агрегатдан ғоят унумли фойдаланиш имконини беради.

Донецклик қурувчилар ва монтажчилар КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, бу объектни муддатидан илгари, Улуғ Октябрининг 58 йиллигига фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

Пухта ҳозирлик

Шу кунларда шаҳримизнинг барча жойларида бўлгани сингари Киров районида ҳам давлат ва кооператив уй-жойлар фонди техник ҳолатини қиш мавсумига ҳозирлаш бўйича қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Район уй-жойлар бошқармаси ходимлари йил бошидан буён 400 дан ортиқ уйларда иситиш қувурларини босимли сув билан ювиб тозалашди. Яхши қизимайдиган ёки умуман ишламайдиган радиаторлар тузатилиб, янгилари қўйилди. Иситиш тармоқларини қишга ҳозирлаш ишлари графиги анча ошириб ado этилмоқда.

Маҳаллий Советларга қарашли уй-жойлар фонди техник ҳолатини қиш мавсумига ҳозирлаш бўйича қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Район уй-жойлар бошқармаси ходимлари йил бошидан буён 400 дан ортиқ уйларда иситиш қувурларини босимли сув билан ювиб тозалашди. Яхши қизимайдиган ёки умуман ишламайдиган радиаторлар тузатилиб, янгилари қўйилди. 1400 квадрат метр ҳажмда уй томлари ва шифтлари ремонт қилинди. 1042 квадрат метр подъезд дераза лари, шунингдек, 174 та уй эшиклари яхшилаб ремонт қилинди.

Ўтган етти ой давомида пландаги 18 ўрнига Улуғ Ватан уруши инвалидларидан 55 кишининг квартиралари ремонтдан чиқарилди.

Қишки ёғин-сочин кунларида йўлкалар ва бинолар атрофини тозалаш учун 127 белкурак, 200 кенг қамровли белкураклар, 235 ёғоч белкураклар, томларга осилиб қоладиган музларни уриб тушириш учун 75 дан ортиқ таёқчалар тайёрлаб қўйилди. Кўчаларда сирпанчиқ бўлишининг олдини олиш мақсадида жойларга 156 куб метр қум чақарилди.

Киров район уй-жой бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бу ишларнинг ҳаммаси пойтахтимиз Тошкентдаги уй-жойларни қиш мавсумига пухта ҳозирлаш ва қиш-қировли кунларда шаҳар аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш мақсадига қаратилган. Кировликлар шу кунларда қолган уй-жойларда ҳам иситиш ва сув тармоқларини ремонтдан чиқариш ишларини жадаллаштирмоқдалар.

Меҳмондўст шаҳар

Ҳозир ой сайин неча юзлаб чет эл сайёҳлар я ва совет сайёҳлари Самарқандга келиб турибди. Жаҳонга донғи кетган тарихий ёдгорликларни томоша қилгани, шу кўҳна ва айни маҳалда навқирон шаҳар ҳаёти билан унинг меҳнаткашлари, ҳозир қандай яшаётганлиги билан танишгани ҳамма қитъалардан бу ерга кишилар ошиқмоқда.

Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи самарқандлик ходимлар янги баланд меҳмонхона ва ресторан ходимлари, автомобиль хўжалиги ишчилари ва хизматчилари меҳмонларни мумкин қадар яхшироқ кутиб олиш, уларнинг саёҳатини фойдали ва ёқимли қилишни шиор қилиб олганлар. Бу йил ушбу коллектив катта муваффақиятга эришди — «Интурист» системасида даромадлар бўйича беш йиллик топшириқни биринчи бўлиб барвақт бажарди.

Беш йиллик бошланганидан бери шаҳарга келувчи сайёҳлар сони икки баравардан зиёд кўпайди. Бу ерда янги-янги маршрутлар ҳам пайдо бўлди. Меҳмонхоналар комплексининг моддий базаси энди мустаҳкамланган сари, сайёҳлар шаҳарни, унинг ёдгорликларини кўришдан ташқари атроф колхозларга чиқиш, Ургутдаги азим чинорлар соясида, бошқа хушманзара районларда, ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлдилар.

Омонқўтондаги ғоят кўркам дарада яна бир сайёҳлар ҳордиқ зонаси барпо этилаяпти. Бу ерда коттежлар, ресторан, ўйин майдони, сузиш бассейни қурилаяпти. Келгуси беш йилликда бундан ҳам кўпроқ сайёҳ Самарқандниг меҳмондўстлигидан хушнуд бўла олади.

ЎзТАГ.

Тажриба пилланкашлик фабрикасининг коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун фидокорона меҳнат қиляпти. Корхонанинг кўпгина ишчилари келгуси йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам ишчилари— моҳир ўровчилар Масъуда Сойипова ва Зуҳра Аҳмедова ўртоқлар.

• Ўқув йили тараддуди

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Чилонзор район халқ маорифи бўлими янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш мақсадида бир қатор тадбирларни ишлаб чиққан эди. Ана шулардан бири мактабларда ташкил қилинган юзга яқин ремонтчи ўқувчилар бригадаларининг ибратли иши бўлди. Улар 47 та мактаб биносини жорий ремонтдан чиқаришда жонбозлик кўрсатишди. Синф хоналари оқланди, партталар бўялди, фан кабинетлари, устахоналар тартибга келтирилди ва зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланди.

Район мактабларидаги фан кабинетлари қаторига яна 40 таси қўшилди. Улар физика, химия, география, биология, зоология, математика фанларига оиддир. Бу янги кабинетларни ўқув қуроллари билан жиҳозлаш мақсадида 50 минг сўм сарфланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб ҳаммаси бўлиб 46850 бола парталарни эгаллайди. Кечки мактабларга эса 2600 ёш ўқишга боради. Музика мактабларида таълим олиш учун ҳам кўплаб аризалар олинди. Бешта музика мактаби 3 мингга яқин болани ўз бағрига чорлаяпти. 5 мингдан ортиқ ўғил ва қиз 1 сентябрдан бошлаб биринчи синфда ўқишни сабрсизлик билан кутмоқда.

Атмосферани биргалашиб зондлаш

Гидрометеорология хизмати бош бошқармаси Марказий аэрология обсерваториясининг экспериментал базаси жойлашган район шаҳри Рильскка шу кунларда Совет ва Америка мутахассислари йиғилдилар. Бу ерда тропосфера ва стратосферадаги аэрозолни ўрганиш билан шуғулланувчи Совет — Америка қўшма экспериментини ўтказиш мўлжалланади.

Марказий аэрология обсерваториясининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори В. И. Шляхов ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди:

— Мўлжалланган инсоният олдида турган катта проблема — ташқи муҳит ва табиий ресурсларни қўриқлаш проблемаси ҳал этилиши билан боғланган. Бу ерга келган америкалик олимлар — доктор Жеймс Розен билан Норман Вайоминг Ларами штатининг шаҳридаги университет вакилларидир. Совет олимлари эса, А. И. Воейков номли бош геофизик обсерватория, гидрометеорология хизмати бош бошқармаси марказий аэрологик лабораторияси билан Ленинград давлат университетининг вакилларидир.

Икки ҳафтача давом этадиган эксперимент чоғида атмосферадаги аэрозоль ва аэрозоль концентрациясининг турли тадқиқотлари ўтказилади, қуёш радиацияси ўлчанади, радиацион баланс, атмосферанинг нечоғлик шаффофлиги аниқланади.

Аэрозолни ўрганиш учун учириладиган Совет ва Америка аппаратлари Марказий аэрологик обсерватория конструкциясидаги автомат стратостартлар ёрдамида 30—35 километргача баландликка кўтарилади. Экспериментда Рильск районида жойлашган ердаги группадан ташқари гидрометеорология хизматининг Л-18 самолётига жойлашган учувчи лаборатория ҳам қатнашади. Америка ва Совет асбоблари ёрдамида олинган илмий маълумотларни таққослаб кўриш имконияти вужудга келади.

Ҳозир эксперимент қатнашчилари аппаратларни стратостартларда учиришга тайёрламоқдалар. Биринчи старт июль ойининг охирги кунига мўлжалланган.

А. ХАРИТОНОВСКИЙ.

2 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 АВГУСТ, 1975 й.

Китоб — офтоб

Бутун дунё ўқимоқда

МОСКВА ДАГИ Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Искра революции» номли еттинчи босмахона ихтисослаштирилган полиграфия корхонасидир. Бу ерда чиқарилаётган китоб маҳсулотлари совет ташқи сиёсий пропагандасининг муҳим таркибий қисмидир. Босмахонада босилган жаҳоннинг элликдан ортиқ тилидаги китоблар юзга яқин чет мамлакатга экспорт қилинмоқда. Ҳозирги пайтда корхонага муҳим вазифа топширилган. Бу ерда В. И. Ленин танланган асарлари вьетнам тилида чоп этилмоқда.

Босмахонада Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» деб номланган асарлари тўпламини кичик ҳажмда, совға сифатида нашр этишга ҳам тайёргарлик кўрилди. Бу китобча КПССнинг XXV съезди арафасида босиб чиқарилади.

Коллектив қўшимча мажбуриятлар олди. Бу мажбуриятга кўра 1975 йил плани муддатидан уч ой олдин бажарилиши лозим.

СУРАТЛАРДА: чапда — матбаачи Ю. А. Андреев. У 1975 йил планини 1 декабрда бажариш ҳақида шахсий мажбурият олди. Ўнгда — КПССнинг XXV съездига мўлжалланган Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» асари.

В. Великжанин фотолари. ТАСС фотохроникаси.



Фан ва техника янгиликлари

Универсал қайчи

Узум узаётганда узум бошн одатда қўл билан тутиб турилади. Бундай қилиш ҳамиша ҳам қулай бўлавермайди. Жумладан, хўраки узум ғужумларининг бети нозик парда билан қопланган бўлади. Шу парда ғужумнинг барвақт бузилишидан сақлайди. Шунинг учун ҳам узум бошига узувчининг қўли тегмаганн яхшироқ.

Умумиттифоқ «Гидропроект» институти Арманистон бўлимида ишловчи ихтирочи А. А. Чифталарян бир қайчи ясадики, у узум бошнн кесиши билан бир маҳалда айрим шох ёки узум бошини ҳам ушлаб туради ва узум узаётганда узумга қўл ҳатто тегмаслигига имкон беради. Бундай қайчилардан, жумладан, асбобсозликда, радиоэлектроникада, алоқа корхоналарида ва бошқа жойларда фойдаланиш мумкин.

Қайчининг саноат кўламидаги намунаси Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик илмий-тадқиқот институтида синаб кўрилиб, кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Ихтиро автори СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Ўтга бардош берувчи янги полимерлар

Грузия ССР Фанлар академиясига қарашли П. Г. Меликишвили номли физика ва органик химия институтида тошкўмир қора мойи билан нефтдан ўтга бардош берадиган полимерлар синтез қилинди. Шу қаттиқ шаффоф материаллар цельсий ҳисоби билан 300 градусгача қизишга бардош бера олади.

Янги материалларнинг хоссалари олимлар одам кўзини ғайри табиий иссиқликдан муҳофаза этувчи оптик шиша ишлаб чиқишларига ёрдам беради, юксак температура шароитларида ишлайдиган механизмлар юзига ҳам шундай материаллар қоплана бошланди.

Коррозияга қарши

Черкесск резина-техника маҳсулотлари заводи енгил автомобиль тубининг ёки кема сув ости қисмининг хизмат муддатини икки баравар узайтиришга қодир «герметик» полимер мастикасини ишлаб чиқара бошлади.

Қуюқ бўққа ўхшаган мастика суюқлик ва газ ўтказмайдиган текис парда бўлиб қотади; металли коррозиядан, бетон ва ёғочни намиқишдан сақлайди, унн зичлаштиргич, қистирма материаллар ўрнида ҳам ишлатиш мумкин.

Қутб доирасида нефть

ТЮМЕНЬ. Тюменлик геологлар янги нефть конини очдилар. Р. Макулов бригадаси пармалаган қудуқдан суюқ ёқилғи фонтани отила бошлади. Шу қудуқдан бир кунда 100 куб метргача нефть чиқмоқда. «Главтюменгеология» геология бўлимининг бошлиғи Ленин мукофотининг лауреати А. Юдин шу воқеани шарҳлаб бундай деди:

— Нефть икки ярим километр чамаси чуқурликдаги қатламлардан чиқди. Янги кон тюменли геологларнинг шимолдаги Ямал чуқур горизонтларида нефть бор, деган фикрини яна бир карра тасдиқлайди.

Янги коннинг бир неча маҳсулдор горизонтлари бор. Кон шу экспедицияда ишлаган донгдор пармалаш мастери А. Тарасов шарафига «Тарасов кони» деб аталди.

(ТАСС).

Геологлар минбари

ЧАНГЮТАРДАН ВЕРТОЛЁТГАЧА

АКАДЕМИК Н. С. Курнаковнинг илмий каромати асосида 1925 йилда Н. И. Преображенский томонидан Соликамск ва 1949 йилда Н. Л. Петров томонидан топилган Тепақўтон ва Ҳўжа-Иноқ конларининг очилиши Совет Иттифоқини дунёда магний запасларига эга қилди. Бу конлар аслида XII—XV асрлардаёқ ош тузи конлари сифатида маълум бўлса ҳам, фақатгина Октябрь революцияси туфайли калий ва магний тузларини қазиб оладиган энг катта конларга айланди.

Металлар орасида магний ер қобиғида олтинчи ўринни эгаллайди (2,1 процент). 200 га яқин магний сақловчи минераллар орасида карналлитдан бошқа, магний фақат магнезит ва доломит таркибидан ажратиб олинади. СССРда магнезитнинг конлари Ўрта Урални, Оренбург области ва Узоқ Шарқда жойлашган. Доломит конлари эса Чотқол-Қурама, Хисор, Туркистон-Олов ва Марказий Қизилқумда, Донбасс, Москва ва Ленинград областларида жойлашган.

Магний биринчи бўлиб 1915 йили аввало, сунъий ясалган карналлитдан, сўнг (1929 йили) табиий карналлитдан саноат масштабида ажратиб олинади. 1931 йилга келиб, Ленинград магний олиш тажриба заводи ишга туширилади. Бундан сўнг ҳақиқий магний олиш заводлари Днепропетровск ва Соликамскда қурилади.

Хлорли магний тузларини сақловчи кўл ва денгиз ва океан сувларидан олиш йўлга қўйилган. Кези келганда шуни айтиш керакки, дунё океанида магний запаслари битмас-туганмас бўлиб 2.200.000 миллиард тоннага яқиндир.

Магний ёш металлар қаторига киради. У биринчи бўлиб 1833 йили Фарадей томонидан кашф этилган. Бизнинг асримиз бошларида магний жуда ҳам оз ишлаб чиқарилар эди. У замонларда магний порошок ва юпқа қоғоз (фольга) сифатида пиротехникадагина ишлатилган. 550 градус С да магний ҳавода ўта ёруғ ранг билан аланганланади. Хлорли ҳавода магний оддий ҳаво температурасида —16-18 градус С да ҳам ёна олади ва иссиқлик ажратади. Бир стакан сувни қайнатиш учун 4 грамм магний металининг ёниши кифоядир.

Магний мисдан беш баравар, темирдан 4.5 баравар, титандан 2,6 баравар, алюминийдан 1,5 баравар енгил бўлганлиги учун 30-йилларга келиб бу металга дунё миқёсида қизиқиш ўсди. Шу йиллари «Электрон» қотишмаси (80 процент магний, қолгани алюминий, мис, рух, қалайи, марганец) пайдо бўлди. Сўнгра метий қўшилган магний қоришмалари пайдо бўлди. Булар енгиллиги, мустаҳкамлиги ва оловга чидамлилиги туфайли улардан товуш тезлигига эга бўлган самолётлар, ракеталар, космик кема қурилишда кенг қўлланилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши даврида магнийнинг кўпгина қисми ўта ёритувчи ва ёндирувчи бомбалар ясашга ишлатилди. Ахир, 1 килограмм магний ёнганда 10.000 калория иссиқлик ажралиб, ҳарорат 2500—3000 градус С га етади. Бу ўз навбатида, ўша даврларда магний ишлаб чиқаришни кўпайтириб юборди. 1943 йили капиталистик давлатларда 243.000 тонна магний ишлаб чиқарилди. Аксинча, 1946 йилга келиб бу миқдор — 10.000 тоннага қисқарди. Лекин, 50-йиллардан магний ишлаб чиқариш яна ошиб боради.

Кейинги йилларда магний бирикмалари ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг тадбиқ этилмоқда. Масалан, магний хлордан Сорел цементи ва бошқа қурилиш материаллари, тегирмон тошлари, магний оксидидан ўтга чидамли қувурлар, тигеллар, печларнинг ичига ишлатиладиган оловга чидамли ғиштлар ясалади. Бошқа тур магний оксидлари резинага қўшилади ва иссиқ ўтказмайдиган материаллар олишда ишлатилади. Тиббиётда жигилдон қайнашга, юқори кислотали ошқозон суюқлигига қарши истеъмол қилинади. Магний сульфати тўқимачилик ва қоғоз саноатида, медицинада ични бўшатишда ва қишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади.

Ўзбекистон жанубида жойлашган оламшумул туз конлари ва Чотқол-Қурама ва Марказий Қизилқум доломитлари асосида республикамизда магний метали ишлаб чиқариш истиқболлари гоят катта.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

Маданият хабарлари

САНЪАТГА ОИД ФИЛЬМЛАР

Ҳар якшанба куни Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг лекция залида санъатга оид ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда. «Тошдаги тасвирлар», «СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев», «Раҳим Аҳмедов», «Уста Маҳмуд Усмонов ва унинг шогирдлари» сингари ҳужжатли фильмлар шулар жумласидандир. Томошабинлар бу фильмлар орқали республикамиз, иттифоқимиз ва жаҳон санъати дурдоналари билан танишмоқдалар, машҳур мўйқалам усталари ижоди билан танишмоқдалар.

Бу фильмлар музей экспонатларини томоша қилишдан олинган тассуротларни янада бойитмоқда.

КУЛОЛЧИЛИК ВА МЕЪМОРЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ

Музейнинг халқ санъати бўлимида «IX—XIX аср ўзбек кулолчилиги ва меъморчилик санъати» деб номланган кўргазма очилди. Экспонатлар орасида ажойиб рангдор плитка ва безатилган, турли асрларга оид сопол буюмлар айниқса киши диққатини жалб этади. Бу буюмлар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида яратилган.

Стендларга қўйилган Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқандниг қадимий ёдгорликларидан келтирилган ранг-баранг нақшли кошинлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ЎЙИНОСИ

ФИН ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Сиёсий нутқлар» сарлавҳали тўпламини бу ерда «Отава» нашриёти фин тилида чоп этди.

Бу — КПСС Марказий Комитети Бош секретари нутқларининг Финляндияда нашр этилган учинчи тўпламидир. Тўплам хронологик суратда 1973 йил декабридан 1975 йил май ойигача бўлган даврни ўз ичига олади; тўпламда Совет Иттифоқининг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига доир энг муҳим проблемалар ёритилган нутқлар бор.

Л. И. Брежнев нутқларининг тўплами Финляндияда зўр иштиёқ билан кутиб олинди.

Дўстлик рамзи

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг шимолидаги Селенга аймоғида маҳсулдор ерларда Монголия-Совет дўстлиги номли давлат хўжалигининг ер-сувлари жойлашган. Бундан саккиз йил муқаддам бу жойдаги бепоён қўриқ ерларда Совет Иттифоқининг ёрдами билан янги хўжалик барпо этила бошлаган эди. Қисқа вақт ичида барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар, мактаб, клуб, механизациялаштирилган сутчилик фермаси, ремонт устахонаси ва бошқа бир қанча объектлар фойдаланиш учун топширилди.

Давлат хўжалиги йил сайин кенгайиб, ўсиб бормоқда. Бу хўжалик монгол ва совет халқлари дўстлигининг рамзи бўлиб қолди.

ТАСС.

ФАРРОШЛИКНИ ЭП КЎРДИ

НЬЮ-ЙОРК. Канзас штатидаги Чини шаҳрининг ҳокимаси 58 яшар Кит Эрбининг фаррошлик қилиши тақозо этилди. Гап шундаки, шаҳардаги биттагина кўча супурувчи машина кўп йил хизмат қилганидан сўнг синиб қолди. Шаҳар хазинасида уни ремонт қилишга пул йўқ эди. Шаҳарчанинг марказий кўчасида аҳлат жуда тез кўпая борди. Сергайрат Кит Эрби шаҳарчада очиладиган ярмарка олдидан ҳаммаёқ сариштa бўлишини хоҳлаб, ҳар куни эрталаб қўлига супурги олиб, шаҳарнинг марказий кўчасини супура бошлади. Шаҳар ҳокимасининг бу ишдан аҳоли, асосан ёшлар ўрнак олдилар. Шундай қилиб эрталаб шаҳарликларнинг кўплари ўзига хос меҳнат зарядкаси билан шуғуллана бошладилар.



КУБА. Рентедаги Антонио Масео номли иссиқлик электр станцияси йирик энергетика корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозир унинг қуввати юз минг киловаттга тенг.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан электр станция янада кенгайтирилади. Кубанинг биринчи беш йиллиги охирига келиб (1976—1980 йиллар) унинг қуввати 500 минг киловаттга етади.

СУРАТДА: А. Масео номли иссиқлик электр станцияси.

Н. Чигирь фотоси. ТАСС фотохроникаси.

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

ПРАГА. Чехословакияда корхоналарнинг бироитасини ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилувчи федерал комиссиянинг рухсатисиз қуриш мумкин эмас.

Острава атроф муҳит проблемасини муваффақиятли ҳал этиш учун ўрнак бўлиб қолди. Шаҳар устини қоплайдиган қурум ва кўмир чанги кўп бўлганлиги сабабли ҳали яқиндагина Остравани «Қора Острава» деб атар эдилар. Ҳозир Остравадаги барча корхоналарнинг қувурларига кучли чанг ушлагичлар ўрнатилган. Шахталар атроф-теварагига оқ қайинлар ўтқазилган. Шаҳар атрофидаги 500 гектар майдонда дарахтзорлар, кўпгина парк, боғ, скверлар барпо этилган.

МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

БРАЗЗАВИЛЬ. Бу ердан олинган хабарларга кўра, чет эл монополияларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи Ангола Миллий озодлик фронти (ФНЛА) деб аталмиш фронт қўшинлари мамлакат пойтахти — Луанда бўсағаларида турибди. Улар пойтахтдан 50 километр берида жойлашган Кашиту шаҳрини ишғол қилдилар. ФНЛА отрядлари Луанда сари бораётиб бошқа миллий озодлик ҳаракатларининг, даставвал мамлакатнинг энг мўътабар Миллий озодлик ташкилоти — Ангола Халқ озодлик ҳаракати (МПЛА)нинг тарафдорларини қириб ташлашга уринмоқда.

Маҳаллий аҳоли ФНЛА солдатларининг бебошлигидан уйларини ташлаб Луандага паноҳ излаб бормоқда. МПЛА штаб квартираси ва Португалия қўшинлари гарнизони мана шу ерда жойлашган.

Мамлакатдаги вазият гоят кескинлашиб кетганлиги муносабати билан Буюк Британия, АҚШ, ГФР ва бошқа бир қанча ғарб мамлакатлари ўз бош консулхоналарининг ва бошқа муассасаларининг ходимларини кўчиришга киришди.

Анголада вужудга келаётган воқеалар ички ва ташқи реакция чет эл монополияларининг мададида фуқаролар урушини чиқариш ва мамлакатни ажратиб юбориш йўли билан ўз позицияларини сақлаб қолишга ва Анголада мустамлакачиликни йўқотиш жараёнини барбод қилишга интилаётганлигидан далолат беради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Сўнгги йилларда Болгарияда айниқса ёшлар ўртасида классик музика ҳавас-корлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирмоқ учун Болгариядаги граммофон пластинкаларини ишлаб чиқарувчи «Балкантон» корхонаси ўз ишини қайта қурди. Бу йил корхона ишлаб чиқаратган маҳсулот рўйхатида симфоник, камер ва опера музикаси асарлари асосий ўринни эгаллайди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон маорнф, соцнал таъминот ва маданият министрлиги ишлаб чиққан программа «Ёш талантларни қидириш» деб аталади. Министрлик намояндалари мамлакатнинг турли штатларида расм чизиш, рақсга тушиш, музика чалишга алоҳида қобилияти бўлган ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларини танлаб олмоқда. Улар учун йиллик стипендиялар белгиламоқда. Министрлик 1975 йилда 59 та ана шундай стипендия ажратилганлигини эълон қилди.

* * *

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиянинг ана шу шаҳридаги энг йирик кинотеатрлардан бирида совет фильмлари фестивали бошланди. Томошабинлар совет кинематографчиларининг асарларидан Г. Чухрайнинг «Солдат тўғрисида баллада», И. Хейфицнинг «Кунгули хоним», Ю. Солнцеванинг «Алангали йиллар қиссаси», М. Калатозовнинг «Турналар учмоқда», С. Параженовнинг «Унутилган жадолар сояси», С. Эйзенштейннинг «Александр Невский» ва «Потёмкин Броненосеци» фильмлари билан танишадилар.

Бизнинг интервью

Шифо ва тадқиқот маркази

Дўмбробод массивида қад кўтарган 11 қаватли кўркам бинога ҳамма қизиқиб қарайди. Бу, йирик медицина марказларидан бири — Бутуниттифоқ клиника ва экспериментал хирургия илмий-текшириш институтининг Тошкент филиалидир. Тез кунлар ичида бу шифо ва фан маскани юрак, ўпка ва ошқозон-ичак касалликлари билан хасталанган беморларни қабул қила бошлайди. Шу муносабат билан, жамоатчи мухбиримиз **М. Бекмуродов филиал директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, рентген-радиология бўлими мудири, профессор Марат Ризаев билан суҳбатлашди.**

— **Марат Нишоновнч, Ўрта Осиёда энг йирик, бундай кенг тармоқли тиббиёт даргоҳи қандай мақсадлар билан ташкил қилинди.**

— Маълумки, медицина фани тобора тез суръатлар билан ривожланиб бораяпти. Бу тараққиёт катта-кичик ва ҳозиргача ҳал этилмаган қатор проблемаларни кун тартибига қўймоқда. Шундай проблемалардан бири юрак, ўпка, ошқозон-ичак ва жигар касалликлари келиб чиқишида Ўрта Осиё иссиқ иқлимининг шартли таъсири масаласидир. Ана шу таъсир масалаларини ўрганиш ва атрофлича тадқиқ қилиш даволашнинг янги илмий методларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, энг янги техникалар, таниқли олим ва малакали жарроҳларнинг маълум бир илмий-текшириш марказига тўпланишини талаб этади.

Бундан ташқари, жарроҳлик илмида янгидан-янги кашфиётлар очилмоқда. Жумладан, юрак касалликлари шу кунга қадар ёпиқ усулда операция қилинарди. Эндиликда эса АИК-5М аппарати кўмагида юрак операцияси очиқ усулда амалга оширила бошланди.

Филиалимиз ана шу талаб ва тажрибаларнинг натижаси бўлиб қарор топди.

— **Янги илмий даволаш методлари учун мукаммал ва замонавий медицина техникаси ҳам кўплаб талаб этилса керак?**

— Албатта, ҳар қандай медицина аппарати ҳам шундай тиббий эҳтиёжнинг самараси сифатида дунёга келади. Яқинда филиалимиз Англия, ГФР, Япония, Венгрия, каби ўнлаб хорижий мамлакатлардан медицина ускуналари қабул қилиб олди. Булар орасида, беморни ётган жойида рентген суратини олувчи ГДРнинг кўчма рентген мосламаси, юрак қобиғидаги энг майда қон томирлари босимини ўлчайдиган Венгриянинг очиқ усулдаги юрак операцияларида қўлланиладиган аппаратлари гоят катта аҳамиятга эга.

— **Филиалнинг дастлабки ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Ҳозирча филиалда 6 та бўлим иш олиб боради. Булар орасида реанимация (жонлантириш) бўлими янгилиги ва ўзига хос иш услуби билан ажралиб туради. Бўлим шифокорлари операциядан эндигина чиққан беморни 3—5 кун давомида зўр эътибор билан муолажа қиладилар. Бемор бир оз тетиклашгач, палатага ўтказилади. Филиалимиз тўла қувват билан ишлай бошлагач, тез орада жигар ва юрак касалликлари бўйича яна 5 та бўлим очилади.

М. БЕКМУРОДОВ.

Кончилар рекорди

Ихтисослаштирилган «Кривбассшахтопроходка» ишлаб чиқариш комбинатида ишловчи В. В. Сидорук бригадаси янги Бутуниттифоқ рекордини қўйди. Киров номли конда жуда қаттиқ тоғ жинсларини кавлаб 31 иш кунида 773,6 метр квершлаг кесими 11,06 га борадиган тоннель қазилди. Тоннель қазиш тезлиги пландан ўн баравар ошди. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги сменада 8 куб метрни ташкил этди. Ҳали бу соҳада ҳеч ким шундай суръатларга эриша олмаган эди.

Янги техника ва прогрессив технологиядан билиб фойдаланиш муваффақиятга ёрдам берди. Мавжуд проходка машиналаридан ҳамма кончилик ишларини тамомила механизациялашга имкон берувчи бутун бир комплекс тузилди.

(ТАСС).

ТБИЛИСИ. Грузия филармониясининг Катта концерт залида дирижёр Гиви Гачечиладзе раҳбарлигидаги «Реро» Грузия Давлат эстрада оркестрининг концерти бўлди. Вокал ва рақс группаларидан иборат машҳур ансамбль ўз программасини тўла янгилаган. Яқинда «Реро» республика бўйлаб, сўнгра Москва, Ленинград ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларн бўйлаб гастролга жўнайди.

СУРАТДА: оркестрнинг торли асбоблар группаси.

А. Сааков ва А. Рухадзе фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ.
1 АВГУСТ, 1975 й.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА"

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

4 АВГУСТ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.20 Янгиликлар. 10.30 Ёшлар экоди 11.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 12.00 «Кинсаёҳатчилар клуби. 15.25 Кўрсатувлар программаси. 15.30 Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган телевизион фильмлар Бутуниттифоқ кўригида совриндор олган фильмлар. 16.55 «Онамларнинг мактаби». 17.05 «Объектив». Ленинграддан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Болалар учун «Камалак» программаси. «Ёш техниклар телевизион турнири». Тақрорий кўрсатув (ўзбекча). **Рус тилида:** 18.55 Совет Армияси жанговарлари учун. «Лейтенантлар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.30 КПСС XXV съезди шарафига. «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз». Кўрсатувда Қозоғистон Компартияси Кончетав область комитетининг биринчи секретари Е. Н. Ауельбаков иштирок этади. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.15 «Ёш ижрочилар». Чамангул Нуруллаева куйлайди. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Телевизион театр. Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси». 1-қисм. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Телетомошабинлар талабларига мувофиқ «Офицерлар». Бадиий фильм. (рус.ча). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.35 «Валерий Чкалов». Бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Агар соғлом бўлишни истасанг». Кўғирчоқ спектакль. **Тошкент кўрсатади.** 19.30 «Кинокузгуда — ҳаёт» кинокўрсатув (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 20.15 «Камалак» Телевизион программаларининг халқаро фестивали. Бельгия. 20.40 Қатталар учун мультфильмлар программаси. «Чиполлининг саргузаштлари». 21.05 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Давид Копперфилд». Англия. 1-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Артистнинг куни». Телевизион фильм концерт премьераси. 23.05 М. Рейзен ижросида П. И. Чайковский романслари. 24.00 Янгиликлар. Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 20.05 Болалар учун фильм. «Кушноч учрашувлар». 20.30 Рус қўшиқларидан концерт. 21.00 Тошкент янгиликлари 21.15 «Терек — дўстлик дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм (ўзбекча). 22.05 «Қайноқ қалб». Бадиий фильм.

6 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.20 Янгиликлар. 10.30 «Биринчи Бутуниттифоқ болалар қўшиғи байрами қатнашчиларининг концерти. 11.00 «Давид Копперфилд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Англия. 1-серия. 11.55 Кўрсатувлар программаси. 15.30 Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган телевизион фильмлар Бутуниттифоқ кўригида совриндор олган фильмлар. 16.00 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 16.30 Н. Лесков «Чапақай». Кукрининслларнинг янги асарлари. 17.25 «Фан оламида». **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун «Камалак» программаси. «Қувноқ пионер ёзи» (ўзбекча). **Рус тилида:** 18.30 Ўсмирлар учун. «Бешинчи механт чораги позивнойлари». 19.00 «Идеология ва ҳаёт». Телевизион журнал. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.45 Ўзбекистон композиторларининг халқ чолғу асбоблари оркестри ижроси учун ёзилган асарлари. 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.05 Телевизион театр. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 3-қисм. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Тб). В. И. Ленин номли Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгиликлар. Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 11.30 Кўғирчоқ фильм (рус.ча). 12.00 «Нонни тенг бўламиз». Бадиий фильм. (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 17.55 Болалар учун «Шарлдаги қиз». Бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қўёш акси бор». 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Спортлото» тиражи. 20.05 «Инсон, Ер, Коинот». 20.35 Совет қўшиқларидан концерт. 21.05 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Давид Копперфильд». Англия. 3-серия.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 20.05 Болалар учун фильм. «Кўғирчоқ боз». 20.30 Мусиқали чолғу асбоблари тарихидан (ўзбекча). 21.10 Тошкент янгиликлари. 21.25 «Москва таътиллари». Телевизион спектакль. 1-қисм.

7 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.20 Янгиликлар. 10.30 «Буратино кўғирчоқ театрининг совриндор олган фильмлари. 11.00 «Давид Копперфильд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Англия 4-серия. 11.55 «Кола Брюньон». Телевизион мусиқали фильм. 15.20 Кўрсатувлар программаси. 15.25 Маҳаллий телевидение студиялари телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.25 «Москва ва москваликлар». 16.55 Б. Жутков. «Энг муҳими тўғрисида». **Тошкент кўрсатади.** 17.35 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.40 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси. 18.10 Мультфильм. 18.35 «Бунёдкорлар». 18.55 «Халқаро хотин-қизлар йили». «Ҳамкор» программаси. «Дугоналаримиз ҳаётидан». 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.10 «Социализм дунёси». **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.10 «Ёшлик» студиясининг почтаси. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Телевизион театр. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 5-қисм. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.30 «Пахта далалари қаҳрамонлари». 22.50 Социалистик мусобақа ғолиблари учун концерт. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. **Рус тилида:** 11.30 Кўғирчоқ фильм. 12.00 «Садом, Москва». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 17.35 Болалар учун Бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильмлар программаси. 19.30 В. Моцарт. Фа мажор квартети. 19.40 «Жанговар постда» (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 20.10 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Давид Копперфилд». Англия. 5, 6-сериялар. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Останкино концерт студияси таклиф этади». Санъат усталарининг концерти. 23.55 «Рақс залн». 00.20 Янгиликлар. Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 20.05 Болалар учун фильм. «Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ». 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.10 Музикали сайил. **Ўзбек тилида:** 21.40 «Тошкент» телепрограммаси. «Оқ олтин усталари». 22.10 «Оғир соатда». Бадиий фильм.

9 АВГУСТ — ШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.20 Янгиликлар. 10.30 «АБВГДейка». 11.00 «Тонгги почта». Мусиқали программа. 11.30 «Давид Копперфилд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Англия. 5, 6-сериялар. 13.15 «Рақснинг туғилиши». Фильм-концерт. 13.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 14.10 Халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 14.55 «Здоровье» почтасининг программаси. 15.25 «Дўстлик қўшиғи». Социалистик мамлакатлари радио ва телевидение болалар хори коллективларининг концерти. 16.25 «Ҳайвонот оламида». **Тошкент кўрсатади.** 17.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 17.30 «Санъат гунчалари» (ўзбекча). **Рус тилида:** 18.00 «Қувноқ пионер ёзи». 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.45 «Сахалин учрашувлари». «Ўзбектелефильм» студиясн кўпсерияли фильмлари телевизион премьераси (рус.ча). **Ўзбек тилида:** 19.55 «Халқаро хотин-қизлар йили». «Ишбол» программаси. «Ерқин ҳаёт». Телевизион журнал. 19.55 «Ахборот» информацион программаси. 20.15 Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 20.45 «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳтиёр Азиев ижоди». **Москва кўрсатади.** 21.45 Спорт программаси. 1. Футбол бўйича СССР Кубоги учун финал. «Арарат» — «Заря» (Ворошиловград). В. И. Ленин номли Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павлов сўзи. 3. СССР халқлари спартакиадасининг ёпилиши. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Мультфильм. **Ўзбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. Болалар учун «Камалак» программаси. 11.00 «Юлдузча». 11.35 «Кичик почоқ». Бадиий фильм. 13.20 Жаҳон халқлари куйлари. Концерт. 14.00 «Халқаро хотин-қизлар йили». «Ишбол» программаси, «Она мадҳи». Тасвирий кўрсатув. 17.25 Марказий телевидение экранида — биринчи марта. «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «13 етук». Телевизион миниатюралар театри. 20.45 «Голубой огонёк». саҳифалари. **Тошкент кўрсатади.** 21.45 «Замондаш». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (юзоқча). **Ўзбек тилида:** 22.35 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 1-серия. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 16.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.30 Телевизион фильм. 17.05 «Вожатий» клуби. **Тожик тилида:** 17.35 Кинокамера билан саёҳат. 18.35 Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа. 18.55 Янгиликлар (рус.ча). 19.40 Концерт. 20.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПОМИР» (Душанба) — «СПАРТАК» (Нальчик) — 2-тайм. 21.15 Янгиликлар (тожикча) 21.45 **Москва кўрсатади.**

10 АВГУСТ — ЯКШАНБА

БИНОКОРЛАР КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 «Зарядка га сафланинг!». 10.20 Янгиликлар. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Орлёнок». телестудияси ёш мухбирларининг СССР Медицина Фанлари Академиясининг академиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Пучковский билан учрашуви. 13.00 «Мусиқали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 Адабий асарларни экранлаштириш. «Меҳмонлик». «Балиий фильм. 15.55 «Ҳозиранд». Фильм-концерт. 16.15 «Китоб дўкони». 17.00 Бугун — биноқорлар куни. 17.15 «Биноқорлар, сизлар учун». Мусиқали программа. **Тошкент кўрсатади.** 18.05 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. **Рус тилида:** 18.10 «Пионерка» клуби. 18.40 Мультфильм. 18.55 «Ахборбт» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.10 «Наҳм ва наво». Мусиқали программа. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 КПСС XXV съезди меҳнат рапортлари. Экранда — Узкелхозстрой» (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 21.00 футбол бўйича СССР чемпионати. «МАСК» — «ДИНАМО» (Тб). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 23.00 Иллюстрациялар минбари. 23.15 Телевизион миниатюралар театри. 23.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. **Ўзбек тилида:** 10.10 Болалар учун. «Болакайлар». Бадиий фильм. 11.35 Бугун — биноқорлар куни. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оқ йўл!» 12.15 Телевизион театр. Саид Аҳмад. «Уфқ». Ҳамза номли Қўқон драма театрининг спектакли. 13.55 Лирик куйлардан концерт. 14.25 Реклама ва эълонлар. 17.00 Регби бўйича СССР чемпионати. ТашПИ — ПОЛИТЕХНИК» (Ереван). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. **Москва** кўрсатади. 18.05 «Советлар мамлакатининг болалари». «Энг муҳими тўғрисида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.45 Концерт заллари бўйлаб. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 21.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 21.25 «Сиҳат — саломатлик». Идмий-оммабоп программа. 21.55 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия. **Москва кўрсатади.** 23.00 «Киносаёҳатчилар клуби».

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 Экран — болаларга. 19.25 «Новинка». Киноклуби. 20.45 Реклама (киргиз тилида). 20.55 Бугун — биноқорлар куни. «Биноқор» Тележурнал. 21.25 Биноқорларнинг талабларига мувофиқ концерт. 21.55 Кўрсатувлар программаси. 22.00 **Москва кўрсатади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21VIII да — **Аяжонларим.**

Кино

1 АВГУСТДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «НУКУС» (кечқурун).

Насимий — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (18.00, 20.00, 22.00).

Есения — «МОСКВА» (18.30, 21.00).

Эсавер, шамол! — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Қум карьери генераллари — «ВОСТОК» (кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Оркестр-одам — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Сенними, шошмай тур! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

2 ИЮЛДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Насимий — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00).

Есения — «МОСКВА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

Эсавер, шамол! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Бир нишқмас ҳаётидан — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сенними, шошмай тур! — «ТОШКЕН СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ҚАДРЛИ ОТА-ОНАЛАР!

МАКТАБ МАВСУМИГА ЗАРУР БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН СИЗЛАРНИ

„ШУҲРАТ" МАКТАБ-МАГАЗИНИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ҳадемай мактаблар багрида дастлабки қўнғироқлар жаранглайди. Янги ўқув йили бошланади. Бироқ фарзандларингиз бунга тайёрми? Уларнинг барча ўқув қуроллари тўла-тўкисми?

Ахир, мактаб ўқувчилари учун **ДАФТАРЛАР ва КУНДАЛИК ДАФТАРЛАР ҲАМ, АЛЬБОМЛАР, АВТОРУЧКАЛАР ва ҚАЛАМЛАР ҲАМ, ПОРТФЕЛЛАР, ТАСМАЛИ СУМКАЛАР, ГАЛСТУКЛАР, ПОЙАФЗАЛ ва албатта, ЯНГИ ХИЛ МАКТАБ ФОРМАЛАРИ ҲАМ ЖУДА ЗАРУРДИР.**

Бундай товарларни **«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА** ташкил қилинган. Мактаб ярмаркасидан сотиб олишингиз мумкин.

Ярмарка 5 сентябргача давом этади, бироқ мактаб қуролларини харид қилишни сўнгги кунларга қолдирманг. Мактабга тайёргарлик болаларингизга олам-олам қувонч келтиришига қолоч ҳосил қиласиз.

Ярмарка соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.30 дан 14.30 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Адрес: Чилонзор массиви. 11-квартал, 2-уй. (29, 32, 33, 50, 54, 70, 71, 75-автобуслар: 6, 11, 12-троллейбусларнинг «Шуҳрат» мактаб-магазини бекати).

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«УЗТОРГРЕКЛАМА».

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИНИНГ «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

формовкачилар, штамповкачилар, электр-газ пайвандчилар, металл кесувчилар, слесарлар, электро-монтёрлар, пармаловчилар, фрезерчилар, ёрдамчи ишчилар, қурувчи ишчилар.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, ремонтчилар, штамповкачилар, формовкачилар, хромловчилар, токарь-автоматчилар, ёрдамчи ишчилар (ётоқхона берилади. Ҳарбий хизматни ўтаганлар имтиёзли равишда қабул қилинадилар).

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИГА

упаковкачилар, слесарь-йиғувчилар, штамповкачилар, эмалловчилар, юкчилар, слесарь-асбобсозлар, конструкторлар, совуқ ишлов бериш бўйича технолог, стандартлаштириш бўйича инженер, 6-разрядли тунукасозлар, фрезерчилар

«МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ» ТУШИРИШ-СОЗЛАШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

вентилляция бўйича слесарлар, тунукасозлар, юкчилар

«МИКОНД» ЗАВОДИГА

3—6 разрядли слесарь-асбобсозлар, 3—5 разрядли токарлар, фрезерчилар, штамповкачилар, чархловчилар, 5—6 разрядли координатчилар, асбобсозлар, электриклар, ВОХР ўқчилари, омбор мудирлари, хўжалик мудири, кладовкачилар, агрономлар, машинисткалар.

Йиғувчи, қайнатувчи, контролёр ўлчовчи, оператор, сортировкачи, касбини танлаган қизлар 1—3 ой давомида юқоридаги касбларга ўргатиладилар.

Ишчиларга завод транспорти хизмат кўрсатади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона ва район ижроия комитетларининг аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига —8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

10-синф маълумоти билан: умумий профилдаги ва болалар муассасалари медицина ҳамширалари. Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой; акушерлик бўлими. Ўқиш муддати 3 йилу 6 ой.

8-синф маълумоти билан: умумий профилдаги болалар муассасалари медицина ҳамширалари. Ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, медицина справкаси (286-форма), аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, паспорт, 3 дона фотосурат (3х4 см).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ремесленная кўчаси, 8-уй.

ТЕЛЕВИЗОР

1 АВГУСТ — ЖУМА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.00 Кўғирчоқ театрининг концерти (ўзбекча). 18.40 Мультфильм. 18.50 «Ахборот» информацион программаси. (рус.ча). 19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Телевизион журнал (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 19.55 Информацион программа. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 21.30 «Ахборот» информацион программаси. 21.50 «Рақсга хиром этганда». Билюят Оқилова. 22.30 «Зангори экран» почтаси. 23.00 «Бўстон» телевизион журнали. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.45 «Мэгрэ ва кекса хоним» телеспектаклининг давоми. 02.00 Янгиликлар, Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.55 Баскетбол бўйича халқаро турнир. СССР — Бразилия терма командалари. Ленинградан олиб кўрсатилади. 18.10 Болалар учун. «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 19.30 Концерт. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 19.55 Ҳужжатли фильмлар экрани. 20.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 21.00 «Инсон ва қонун». **Москва кўрсатади.** 21.30 Санъат усталарининг концерти. 22.40 Телевизион спектакль премьераси. Ж. Сименон. «Мэгрэ ва кекса хоним».

Учинчи программа. 22.00дан **Тошкент кўрсатади.**

2 АВГУСТ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Кўрсатувлар программаси. 10.05 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.20 Янгиликлар. 10.30 «Бор эканда, йўқ экан». 11.00 «Ота-оналар сизлар учун». 11.30 Социалистик мамлакатлар рассомлари асарларининг кўргазмаси. Марказий кўргазма залидан репортаж. 12.10 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.40 «Хавф-хатарсиз ҳаракат». Кўрсатувда СССР Ички ишлар министрлиги Давлат автоинспекцияси бошқармасининг бошлиғи милиция генерал-лейтенанти В. В. Лукьянов иштирок этади. 13.10 «Поэзия». Е. Винокуров. 13.40 «Бизнинг кўча». 14.40 «Эстрада концерти». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 15.10 «Здоровье» идмий-оммабоп программаси. 15.40 Болалар учун «Иванна ҳужумда». Бадиий фильм. 16.45 «Табиат ва инсон». 17.15 Я. Сибелиус. Бешинчи симфония. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.05 Болалар учун «Камалак» программаси. 18.45 Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни олдидан. «Тошкет — товарная» темирйўлчилар станциялари ходимларининг касблари бўйича почтаси конкурс. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 «Фан» программаси. **Ўзбек тилида:** 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 «Севишганлар». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.30 «Олтин қўллар». Пахтакорлар учун кўрсатув. 23.00 Социалистик мусобақа ғолиблари учун концерт. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун кинопрограмма (рус.ча). **Ўзбек тилида:** 10.50 «Экран хандаси». Болалар учун «Камалак» программаси. 11.30 Ёзувчилар — болаларга. Қудрат Ҳикмат. 12.10 «Отни ким эгарлайди?» Бадиий фильм. 13.25 Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Давидова концерти. 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. **Москва кўрсатади.** 18.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.30 «Н. Доризо шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар». 20.15 «Чин қалбдан». ЛКСМ 40 йиллиги номли Тирасполь тикувчилик фабрикаси коллективи билан учрашув. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 Кинопанорама. 24.00 Янгиликлар. Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 15.15 дан **Душанба кўрсатади.**

Тошкент оқшоми 4 бет. 1 АВГУСТ 1975 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000. ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 14078. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 4057.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача. Эълонлар бўлими— 33-81-42.